

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Матчанов Шерзод Камилович

Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ўқув-услубий бошқарма прокурори

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: прокурор назорати, солиққа оид хуқуқбузарлик, солиқ қонунчилигини бузиш, молиявий санкция, пеня, жарима, солиққа оид хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, айбли қилмиши, моддий ва процессуал хуқуқ нормалари.

Аннотация

Ушбу мақолада солиққа оид хуқуқбузарлик тушунчаси ва улар учун жавобгарликка тортишнинг ўзига хос жиҳатлари, молиявий санкциялар моҳияти, солиққа оид хуқуқбузарлик улар учун жавобгарликнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати, солиққа оид хуқуқбузарлик учун жавобгарлик қўллаш борасида янги солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар таҳлили қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар бериш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш доим давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг хуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди¹, деб белгиланиши ҳам тадбиркорлик фаолияти конституциявий даражада кафолатланганлигини англатади.

Мамлакатимизда хусусий мулк хуқуқини хуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш ва тадбиркорликка кенг қўламли имкониятлар яратиш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага, йирик корхоналар сони эса 400 тага кўпайган. Берилган енгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошган. Киритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023 йил. 35-б.

² ЎзА. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлатимиз эътиборида. //Халқ сўзи., 2023 йил 19 август. №170(8513).

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари томонидан қонуний фаолият олиб бориши учун ҳуқуқий асослар яратилган бўлсада, айрим тадбиркорлар томонидан турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилиши натижасидан жавобгарлик чораларига дучор бўлишади. Шулардан бири солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳисобланиб, ўзининг моҳиятига кўра иқтисодий муносабатларга зарар етказади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тез ўзгарувчан бозор иқтисодиётига мослашувчан бўлиши билан бирга, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларига нисбатан йирик тадбиркорлик субъектларига қараганда таъсирчандир. Шу нуқтаи назардан улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораси уларни оғир иқтисодий аҳволга солиб кўювчи эмас, балки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оғир ва енгиллигига мутаносиб ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда профилактик аҳамиятга эга бўлиши, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий майдонда фаолият юритишга ундовчи ҳуқуқий восита функциясини бажариши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳуқуқбузарликнинг оғир ва енгиллигига мос келадиган даражада белгиланиши адолат принципининг муҳим шартларидан биридир. Шу сабабли, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар томонидан содир этиладиган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларининг ўрнатилиши, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликнинг олдини олувчи чора доирасидан четга чиққан ҳолда тадбиркорнинг ўзини тиклаб бўлмайдиган ҳолатга олиб келмаслиги лозим.

Шундай экан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чорасининг ҳар томонлама ўйланган ҳолда, адолат мезонларига мос келадиган доирада ўрнатилиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ва иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб, қўлланиладиган жавобгарлик чоралари қонунга мувофиқ адолатли бўлиши лозим.

Шу боис, тадбиркорлик субъектларига солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган жавобгарлик чорасининг қонунийлигини таъминлашда прокурор назорати муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг

Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади³.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратура органларининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасидан келиб чиқувчи, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишда иборат. Қонунинг 4-моддасига мувофиқ, солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликка тортишнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратини сифатли амалга ошириш учун солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023 йил. 103-б.

моҳиятини, зарурий белгиларини билиш лозим бўлади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар давлат бюджетига, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиб, хуфиёна иқтисодиёт кўринишида содир этилади. Хуфиёна иқтисодиёт қонуний фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчиларнинг, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ва молиявий манфаатларига зид равишда амалга оширилиб, юридик жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳар қандай юридик жавобгарлик асосида давлат мажбурлов чоралари билан таъминланадиган ҳуқуқ нормаларини бузишга қаратилган ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ётганидек, солиқ қонунчилигини бузиш ҳам ҳуқуқбузарликнинг алоҳида тури сифатида намоён бўлади.

Амалдаги қонунчилигимизда солиққа оид қонунчиликни бузганлик учун молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган. Шунинг учун солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг асосини аниқлаш солиқ соҳасидаги ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир. Юридик жавобгарлик – солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этишнинг муҳим кафолати сифатида намоён бўлади⁴.

Шу ўринда айтиш жоизки “Солиққа оид ҳуқуқбузарлик” жумласи ва тушунчаси биринчи мартаба 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган Солиқ кодексига ўз ифодасини топди.

Мазкур кодексга “Солиққа оид ҳуқуқбузарлик” жумласи киритилганлиги ва ушбу тушунчага қонуний таъриф берилганлиги мақсадга мувофиқ бўлиб солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларини бузганлик учун жавобгарликни қўллаш масаласига аниқлик киритади. Хусусан, “солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” жумласининг моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, ўзининг юридик хусусиятига кўра, у “солиққа оид ҳуқуқбузарлик” жумласининг моҳиятидан кенглигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда, “солиққа оид ҳуқуқбузарлик”ни солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб эътироф этсак ҳам бўлади.

Эски 25.12.2007 йилда қабул қилинган Солиқ кодексининг 106-моддасига кўра, солиқ тўловчининг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилган.

30.12.2019 йилда қабул қилинган амалдаги Солиқ кодексига ҳам “солиққа оид ҳуқуқбузарлик” тушунчаси берилган бўлиб, кодекснинг 210-моддага кўра, солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахснинг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Солиқ кодексининг “Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик” деб номланган VIII бўлими солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ бўлган масалаларга бағишланган бўлиб, ўзида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қамраб олганлигини билан аҳамиятлидир. Моддий ҳуқуқ нормаларининг ўзи умумий ва махсус қисмларга бўлиниб, 27-боби «Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар» ва 28-боби «Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлик» деб номланади.

Амалдаги Солиқ кодекси 210-моддасининг мазмунидан кўришиб турибдики, солиққа оид ҳуқуқбузарлик солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахснинг Солиқ кодексига жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) бўлиши лозимлиги мустақамланган бўлиб, солиқ қонунчилиги нормаларини бузувчи маъмурий

⁴ Исаева Ф. Ўзбекистон Республикаси солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари.// Yuridikfanlaraxborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences. 2 (2018) 85-89

ҳуқуқбузарликлар ва жиной қилмишлардан фарқли эканлигини англатади.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик жавобгарлик лаёқатга эга субъектнинг амалдаги ҳуқуқда юридик жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний (ноқонуний) ижтимоий зарарли, айбли қилмиш тушунилади⁵.

Шу билан бирга ҳуқуқбузарлик – жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ва у билан боғлиқ муносабатларни вужудга келтирувчи юридик факт ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини яхши тушуниш учун унинг зарурий белгиларини билиш лозим бўлади. Хусусан, СКнинг 210-моддасида “солиққа оид ҳуқуқбузарлик” тушунчасига берилган таърифни таҳлил қилган ҳолда, унинг қуйидаги зарурий белгиларини кўрсатиш мумкин:

- Қилмишнинг (ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг) ғайриқонунийлиги. Солиққа оид ҳуқуқбузарликка нисбатан ғайриқонунийлик солиқ ва йиғимларга оид қонунчилик нормаларини ижро қилмасликда ёки лозим даражада ижро қилмасликда ифодаланади⁶;
- айбнинг мавжудлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги, яъни СКда жавобгарлик белгиланган ҳуқуқбузарликнинг таркиби бўлган қилмиш содир этилганлиги.

Ҳуқуқбузарлик (масалан, ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибini бузиш) ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (харидорга чек бермаслик) кўринишида содир этилиши мумкин. Ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эмас, айнан қонун билан тақиқланган ва СКда жавобгарлик белгиланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, жавобгарликни келтириб чиқаради.

Айбнинг мавжудлиги солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг зарурий белгиларидан бири бўлиб, у ҳуқуқбузарлик ва унинг оқибатига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг руҳий муносабатидир.

Айбсиз шахсни жавобгарликка тортиб бўлмайди ва у ҳуқуқбузарликнинг муҳим зарурий белгиларидан бири бўлсада, амалдаги Солиқ кодекси 30.12.2019 йилда қабул қилингунига қадар, эски Солиқ кодексида айб тушунчасига таъриф берилмаган, айб шакллари – қасд ва эҳтиётсизлик масалаларига оид қоидалар мавжуд эмас эди.

Амалдаги Солиқ кодексининг 214-моддасига кўра, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатни (ҳаракат ва ҳаракатсизлик) қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этган шахс солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб эътироф этилиши, шунингдек ҳуқуқбузарлик қандай ҳолатда қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши кўрсатилган.

Шу каби, юридик шахс солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлсада, амалдаги солиқ кодекси қабул қилингунига қадар юридик шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун айбли деб топиш ва унинг айбини аниқлаш механизими мавжуд эмас эди ва бу ҳуқуқни қўллаш борасида муаммоларга сабаб бўлиб, ечимини кутаётган эди.

Амалдаги содиқ кодексида мазкур масалага ҳуқуқий ечим топилди ва СКнинг 214-моддасига кўра, юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдорлиги унинг мансабдор шахсларининг ёки вакиллариининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишини келтириб чиқарган айбига қараб аниқланиши белгиланди.

Бу эса императив хусусиятга эга бўлган ҳуқуқ тизимида юридик шахснинг жавобгарлиги ва

⁵ Нерсусянц В.С. Общая теория права и государства. М., 2002. С.517.

⁶ Бурова А.С., Васильева Е.Г., ва бошқалар. Налоговое право. //Учебник. 2-е издание. ООО “Проспект”. 2016 г. Ст.238.

унинг айблилик масаласини киритишга бўлган дастлабки қадамлардан бири ҳисобланади.

Бу эса мамлакатимизда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка оид ҳуқуқ нормалари замон талабидан келиб чиқиб ривожлантирилиб борилаётганлигидан далолат беради.

Ҳуқуқбузарликнинг ҳуқуқий оқибати жавобгарликдир, жавобгарлик ўз навбатида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазони келтириб чиқаради. Содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб топиши учун Солиқ кодексининг 210-моддаси мазмунига кўра, Солиқ кодексига жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиш бўлиши лозим.

Юридик жавобгарлик – бу ҳуқуқ нормалари санкциясида назарда тутилган давлатнинг мажбурлов чорасини ҳуқуқбузарга нисбатан қўллашдир. Юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, фақат ўзига хос белгиларга эга.

Юридик жавобгарликнинг белгилар қуйидагилар:

- у қонунбузилиши содир этилганида вужудга келади.;
- ҳуқуқ нормаси бузилганида қўлланилади;
- қонунбузилиши содир этган шахс билан бевосита боғлиқ;
- ҳуқуқий нормалар санкциясида қайд этилади ва аниқлаштирилади;
- ҳуқуқий нормалар бузилишига ўзида давлатнинг таъсирини намоён қилади;
- давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашда ифодаланади;
- ҳуқуқбузар учун ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган салбий оқибатларни келтириб чиқаради;
- фақат ҳуқуқбузарликнинг барча белгилари мавжуд бўлганида пайдо бўлади;
- давлатнинг ваколатли органлари томонидан қўлланилади;
- процессуал шаклда амалга оширилади;
- муаяйн мақсадларни кўзлайди ва ўзига хос функцияларни бажаради.

Юридик жавобгарлик бир тарафдан ҳуқуқбузарлик содир этилганида, иккинчи тарафдан тегишли ҳуқуқ нормасининг санкциясини ҳуқуқбузарга қўлланилганида вужудга келади. Шундай қилиб, юридик жавобгарлик вужудга келишининг фактик асоси ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг содир этилиши бўлса, юридик асоси тегишли ҳуқуқ нормасини қўллаш бўлиб ҳисобланади⁷.

Жавобгарлик – қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг, унинг содир этилиши билан келиб чиқадиган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлганида юзага келиши мумкин. Оқибат айнан шу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида келиб чиққан бўлиши керак. Агар бундай боғланиш бўлмаса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас⁸.

Солиқ кодексининг 218-моддасига кўра, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик чораси молиявий санкциялар бўлиб ҳисобланади.

Молиявий санкцияларни моҳиятини очиб беришда унинг тушунчасига турли хил илмий таърифлар берилган. Жумладан, ҳуқуқшунос олим М.Мамасиддиқовнинг фикрича, молиявий санкциялар деганда, молиявий жавобгарлик чораси ва доирасини ўз ичига олган, молиявий муносабатларни тартибга солувчи ва молиявий ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда ваколатли орган (яъни, суд) томонидан қўлланиладиган, ҳуқуқбузарга нисбатан мулкӣ ва

⁷ Чернявский А.Г. Юридическая ответственность.// Учебное пособие. Москва. Инфра-М. 2018 г. Ст. 56.

⁸ Хожиев Э. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография. –Т.:2006. 65-бет.

номулкий таъсир этиш хусусиятига эга бўлган молиявий жавобгарлик нормасининг мажбурий тузилмавий элементи тушунилиши лозим⁹.

Шу каби, ҳуқуқшунос олим Э.Хожиевнинг фикрича, молиявий ҳуқуқий санкциялар – бу молиявий жавобгарлик нормасининг ташкилий қисми бўлиб, молиявий жавобгарлик доирасини (унинг ҳажми ва чорасини) белгилаб беради, молиявий – ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш воситаларидан бири ҳисобланади ҳамда молиявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганида ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахси томонидан қўлланилади¹⁰.

Фикримизча, молиявий санкция – бу содир этилган ҳуқуқбузарликнинг юридик оқибати ҳисобланиб, ҳуқуқбузарнинг иқтисодий манфаатига таъсир этувчи, қатъий белгиланган молиявий муносабатларнинг ҳимоясига йўналтирилган ва фақатгина қонунда белгиланган ваколатли орган томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир тариқасидаги давлатнинг мажбурият чорасидир.

Солиқ кодексининг 218-моддасига кўра, молиявий санкциялар пул ундириш (жарималар) тарзида қўлланилади.

Кўриб турганимиздек, Солиқ кодексига молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси эканлиги белгиланган бўлиб, мазкур жавобгарлик чорасининг пул ундириш орқали амалга оширилиши кўрсатиб ўтилгани ҳолда, ҳуқуқбузарнинг иқтисодий манфаатларига таъсир этишини англайтиб, пул ундириш жарима шаклида амалга оширилади.

Содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар учун жавобгарликка тортиш бир неча босқичдан иборат жараёнда содир бўлади.

Жумладан:

Биринчи босқич, назорат қилувчи орган томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган деб тахмин қилинаётган субъектнинг фаолиятини текшириш учун танлаш босқичи;

Иккинчи босқич, назорат қилувчи орган томонидан танланган субъектнинг фаолиятини текширишга кириш ва текшириш;

Учинчи босқич, аниқланган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш босқичи. Шу ўринда мазкур босқичнинг ўзи иккига бўлинади, яъни солиқ органи томонидан тадбиркорлик субъектига содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ёки ҳужжатларни содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун судга юбориш ва судда кўриб чиқиш.

Тадбиркорнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатини таъминлаш мақсадида мазкур жараённи ҳар бирининг устидан прокурор тизимли ва доимий назорат олиб бориб, ушбу жараённинг тўлиқ, холисона ва сифатли ўтказилишига эътибор қаратган ҳолда қонунийликни таъминлаши лозим.

Жумладан, дастлабки босқичнинг ўзидаёқ, яъни назорат қилувчи орган томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган деб тахмин қилинаётган тадбиркорлик субъектини текшириш учун танлаш босқичида прокурор назоратининг мавжуд бўлиши бир тарафдан ҳақиқатдан ҳам ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган, ҳуқуқбузарлик содир этаётган субъектлар тўғри танланишини таъминласа, иккинчи тарафдан кимнингдир манфаати йўлида ёки бошқа ноқонуний мотивлар асосида қонуний фаолият юритаётган субъектнинг фаолиятини асосиз текширишнинг олдини олишида ёхуд ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи, қўштирноқ ичидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқбузарликларини аниқламасдан уларни четлаб ўтишга йўл

⁹ Мамасиддиқов М. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлашда молиявий жазоларни либераллаштиришнинг ўрни. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. №11-12-сон. 2006 йил. 86-бет.

¹⁰ Хожиев Э. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография. - Т.:2006.-Б. 95.

қўймасликда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонуний тадбиркорларнинг ҳуқуқларининг ҳимояси таъминланади.

Иккинчи босқичда прокурор назорати тадбиркорлик субъектининг фаолиятини текширишнинг қонунийлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Иқтисодиёт ривожланиши учун уни ҳаракатга келтирувчи иқтисодий муносабатларнинг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланган тадбиркорлик субъектларига шундай шароит яратилган бўлиши керакки, улар ўз фаолиятини амалга оширишда қонун ҳимоясида эканлигини, нормал иш юритишга ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини, унинг фаолияти ноқонуний текшириш ёхуд бошқача аралашилардан ҳимояланганлигини ҳис этишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини текшириш ўзига хос қонун билан қатъий белгиланган процессуал тартиб-қоидалар асосида амалга оширилиб, мазкур тартиб-қоидаларни бузган ҳолда амалга оширилган текширишлар ноқонуний ҳисобланиб, олинган далилларнинг номақбуллигига олиб келади. Шу сабабли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида ўтказиладиган текширишларининг қонунийлиги устидан прокурор назоратининг мавжудлиги текшириш процессининг қонуний тартибда ўтказилишини таъминлаб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда қафолат бўлиб ҳисобланади.

Учинчи босқичда прокурор назорати солиққа оид текшириш жараёнида тўпланган ҳужжатлар асосида қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги ўрганишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур соҳада прокурор назоратини сифатли ва тизимли ташкил этиш орқали қонун устуворлигини таъминлашга, қонунийликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга, бошқача қилиб айтганда қонун бузилишининг оқибати билан курашувчи эмас, балки қонун бузилиши келиб чиқишининг олдини олишга қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023 йил.
2. ЎзА. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлатимиз эътиборида. //Халқ сўзи., 2023 йил 19 август.
3. Мамасиддиқов М. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини қафолатлашда молиявий жазоларни либераллаштиришнинг ўрни. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. №11-12-сон. 2006 й.
4. Нерсусянц В.С. Общая теория права и государства. М., 2002.
5. Бурова А.С., Васильева Е.Г., ва бошқалар. Налоговое право. //Учебник. 2-е издание. ООО “Проспект”. 2016 г.
6. Чернявский А.Г. Юридическая ответственность.// Учебное пособие. Москва. Инфра-М. 2018 г.
7. Хожиев Э. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография. – Т.:2006 й.
8. Исаева Ф. Ўзбекистон Республикаси солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари.// Yuridikfanlaraxborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences.